

МИЛЛИЙ-МАЪРИФИЙ УЙҒОНИШ ҲАРАКАТИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Манзаров Юсуп Хуррамович

ҚарМИИ доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада Жаҳид-маърифатпарварлар ўзларининг илгор қараишларини оддий халқ ўртасида ёйиш учун миллий матбаачиликни ривожлантириш орқали, замонавий таълими тизимини жорийлаш, илгор зарб мамлакатларига маҳаллий ёшлар вакилларини таълим ва таҳсил олишга жўнатиш йўли билан амалга оширишга интилишлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: *Жаҳид, миллат, маънавият, маърифатли жамият, жаҳидчилик.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается об усилиях джадидов-просветителей по распространению своих прогрессивных взглядов среди простого народа путем развития национальной типографии, внедрения современной системы образования, направления представителей местной молодежи в передовые страны Запада для обучения и обучения.

Ключевые слова: *джадиды, нация, духовность, просвещенное общество, джадидизм.*

КИРИШ

Жаҳидлар ҳаракатининг Туркистондаги намоёндаларидан ва назарий асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) бўлиб, у Самарқан шаҳрида руҳоний оилада туғилган. Ёшлигидан турли фанларга қизиқиб, араб, форс тилларини ҳам яхши ўрганган. Мусулмончилиқнинг ҳаж сафарини ҳам амалга оширган, Туркия, Миср, Россиянинг Петербург, Қозон шаҳарларини, Минск шаҳрини кўради.

Бехбудий миллат фарзандларига диний ва дунёвий илмлар бериш билан бирга, уларнинг замонавий илм олишлари учун тараққий топган хориж мамлакатларига ўқитишга юбориш лозимлигини кўп бор таъкидлаган. Бехбудий қуйидаги уч қоидага кўп диққату эътиборини қаратган:

1. Замон талабларидан келиб чиқиб иш кўриш;
2. Миллат тақдири ва келажагини белгиловчи миллий кадрларни етиштириш;
3. Миллий биқикликдан чиқиб, дунё миқёсида фикрлай олади-ган, чет давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий муносабатларда жаҳон андозалари даражасида иш юритадиган миллатга айланиш.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг маърифатпарварлик фаолияти 1893 йиллардан кўзга ташлана бошлаган. У жуда катта қийинчиликлар билан дастлабки янги усул мактабини очишга муваффақ бўлади. Унинг ташаббуси билан 1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи қишлоғида Ажзий билан, Ражабамин қишлоғида эса Абдулқодир Шакурийлар билан ўша давр учун улкан янгилик саналган янги усулдаги жаид мактаби очилади. Маърифатпарвар, таълим ислохотчиси сифатида у бу мактаблар учун 1904-1909 йилларда “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китоби атфол” “Амалиёти ислом”, “Тарихи мухтасари ислом” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратади. У 1914 йилда Туркия, Мисрга бориб, у ердан муҳим китоблар, ўқув қўлланмаларини келтиради, янги усулдаги мактаб дастури устида ишлашга киришади. Бироқ, у турли тўсиқларга учраб, «жаидчилик» раҳнамоси, даҳрий дея эълон қилинади. Шунга қарамай, татар мутафаккири Исмоил Ғаспиралининг маърифатчилик борасидаги таълимотини қўллаб-қувватлаб, ўлкада ҳам шундай ишларни амалга оширишга киришади, кўп ўтмай жаид-маърифатпарвар сифатида халқ хурматиغا сазовор бўлади. Ўз она тилиси билан бир қаторда рус, форс-тожик, араб каби тилларни мукамал билган аллома юксак маънавият соҳиби бўлиши билан бирга, умуминсоний маданиятнинг тарғиботчисига айланади ва фаолиятини унинг амалга оширилишига бағишлайди. Маҳмудхўжа Бехбудий фаолияти давомида 300 дан ортиқ мақолалар, 10 дан ортиқ маърифий дидактик асарлар, 10 дан ортиқ мактаб дарсликларини яратган. Ҳалвойи ва Ражабаминдаги янги усул мактаблари учун Бехбудий томонидан яратилган ўқув адабиётлари ва дарсликлари “Рисолаи асбоби савод” (“Савод чиқариш китоби”, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”, 1905), “Мунтахаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача танланган умумий география”, 1906), “Китоби атфол” (“Болалар китоби”, 1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909) каби дарсликлар эди. Таълим ва тарбия оидларидан эса “Падаркуш” драма(1911)си, “Оқ елпигичли чинли хотун” (ҳикоя), “Бир аъмо боланинг ҳасрати” (ҳикоя), “Китоби атфол” (эски ўзбек ёзувида) асарларини санаш мумкин. Маърифатпарвар жаид бобомиз “Хайрул умури авсатуҳо” (1906), Мунозара ҳақида (1911), Ёшларга мурожаат (1913), Миллатлар қандай тараққий этарлар? (1913), Эҳтиёжи миллат (1913), Аъмолимиз ёинки муродимиз (1913), Шердор мадрасаси (1913), Туркистон (1913), Баёни ҳол (1913), Икки эмас, тўрт тил лозим (1913), Исмоилбек ҳазратлари (1914), «Сарт» сўзи маълум бўлмади (1914), Туркистон тарихи керак (1914), Мухтарам

ёшларга мурожаат (1914), Ох, бонкалар бизни барбод этди (1914), Жаҳолат дардларидан (1914), Зўраки бой (1914), Бизни ҳоллар ва ишлар (1914), Фавкулудда такфир (1914), Теётр надур? (1914), Танқид – сараламоқдур (1914), Тарихи ихтирои башар (1914), Сарт сўзи мажҳулдур (1915), Бизни кемиргувчи иллатлар (1915), Тил масаласи (1915), Муҳтарам Самарқандийларга холисона арз (1917), Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат (1918), Ғалла, аскарлик, ер ва таъминоти ҳарбия (1918) каби турли йўналишларда ёзилган долзарб мақолаларида таълим-тарбия, маънавиятга оид даврнинг ўткир ва долзарб муаммоларини ёритади.

Беҳбудий ўз юртида илму маърифат ва маданият ривожини истади ва шу йўлда сайъ ҳаракат қилди. Жумладан, “Ойна” журналининг *1913 йил 1-сонид*а чоп этилган “Икки эмас, тўрт тил лозим” номли мақоласида: “Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбекиёни сабаби шулки, Туркистон халқининг аксари ўзбакий сўйлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо тилидур. Бу кунгача Туркистонни ҳар тарафиндаги эски ва янги мактабларинда форсий назм ва наср китоблари таълим берилиб келгандур. Барча мадрасаларда шаръий ва диний китоблар арабий таълим берилса ҳам, мударрисларни тақриру таржималари форсчадур. Бу қоида, яъни дарс китоби-арабий, муаллим-туркий, тақриру таржимани форсийлиги хийла ажибдур. Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва фарангий билмак ила мумкин бўлур, на учунки бугун усмонли, Кафказ ва Қазон турклари замона уламси асарини туркийга таржима қилиб, кўпайтиргандурлар, яъни туркий билган киши замонни билур. Турк тилига ҳар бир янги ва нафълик китоблар барча тилда таржима бўлгандур. Араб маданияти юноний Сукрот, Букрот, Фалотунлардан фойдалангани-дек, замони ҳозира маданияти Толстўй, Жул Верн, Кеплер, Коперник, Ньютонлардан фойдаланур мақсадидан узоқ тушдик”, деб таъкидлагани айни бугунги куннинг талабларидан десак хато бўлмайди ва бу ўта аҳамиятли эди. У “Самарқанд” газетасининг *1913 йил 12 июль сонид*аги “Эҳтиёжи миллат” номли мақоласида: “Бошқа миллатларга қаралса кўрилулки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур. 50 сана муқаддамги замонда, биз туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошқалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошқа миллатлар ила махлут бўлдук, шарият ва ўз урфимиз устига қонун ва Оврупо одатига итоат қилмоққа мажбурмиз. Хулоса, мактабимиз, дўконимиз, корхонамиз,

мадрасамиз ва ҳар нимарсамизни замона ислоҳи лозимдур”,-деган фикрларни келтиради. Аҳолини маърифатли қилиш масаласи миллатнинг муҳим эҳтиёжи бўлиши зарурлигини таъкидламоқда.

Маҳмудхўжа Бехбудий миллий тилни асраш ва ривожланти-риш, шу тилда ўқув, илмий адабиётлар, асарлар яратиш масаласига алоҳида урғу беради. Айнан миллий тилни асраш ва келажак авлодга етказишга оид “Ойна” журналида чоп этилган “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар”, “Тил масаласи” номли мақолаларида муаллиф масалага жуда тўғри ёндашиб, ўз тавсияларини ҳам беради. Маҳмудхўжа Бехбудий таълим ва маорифга алоҳида эъти-бор қаратади. Жумладан, Самарқанд газетасида 1913 йил 30 июлда чоп этилган “Миллатлар қандай тараққий этарлар?” мақоласида янги усулда замонавий мактаблар бино этиш, таълим жараёнини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш ва маърифат орқали ёшларни турли номақбул ишлар ва нотўғри йўللardan асраш миллат маънавий тараққийсида ғоят муҳимлигини уқтирганлар.

Маҳмудхўжа Бехбудий барча муҳим масалалар қаторида ўтмиш маданий меросига аҳамият бериш зарурлигини ёзади. Жумладан, “Ойна” журналининг 1914 йилги 38 сонидида “Туркистон тарихи керак” мавзусидаги мақоласида “Миллат тарихини Туркистонда ўтган боболаримизни ижтимоий ҳаёти, қайси йўл билан тараққий этганини ва маданиятини билиш учун “Туркистон тарихи” бор бўлганда тарихий хатоликларни билиб ибрат олган бўлар эдик. Бу қийин масала бўлиб, бунда ёш муаррихимиз мухтарам Аҳмад Заки Валидий афандидан умид қилмоқдамиз”, деб ёзади. Олим ўтмиш аجدодлар меросини, тарихи, маданияти ва маърифатини ўрганиш миллий ўзликни англаш, ёшлар тарбияси, миллат савиясини оширишда муҳим омил эканлигига урғу беради. Шунингдек, у “Мозий истиқболнинг тарозисидир” мақоласида ҳам бу мероснинг аҳамияти, инсоннинг камол топиши ва жамиятни бошқаришда ўтмиш мероси, тарих фанининг ўрни бекиёслигини алоҳида таъкидлаб ўтган. У “Тарих ва жуғрофия” мақоласида мутаассиб ислом “намоянда”ларининг қотиб қолган дунёқараши ҳукмронлик қилган даврларда бу фанлар бидъат ва гуноҳ ҳисобланганлигини айтади. Тарих ва жуғрофиянинг муҳимлиги ва зарурлигини, бу икки фаннинг жадид мактабларида бугун ёки кеча кашф этилмаганини, балки жамият ҳаётида қадимдан мавжуд бўлиб келганини исботлаб беради. Янги давр одамлари, ёшлари мана шу фанларни мукаммал ўрганишлари зарурлигини такрорлайди. Бехбудий табиий ва ижтимоий фанларни “ақлли илмлар” деб номлаган. Халқлар, мамлакат, ислом тарихини билмай туриб, оддий мусулмон фуқаросидан тортиб то давлат арбоби, руҳоний ва уламо,

олиму фузалоларгача маърифатли бўла олиши асло мумкин эмаслигига ишора қилиб, шундай ёзади:

“Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқумоқ ва билмоқ керак. Подшою вазир, ҳукумат одамлари ва сиёсий кишилар учун тарих ўқумоқ керак. Дини исломнинг асли пайғамбар ва саҳобаларнинг исломият ва уммат учун жафо чеккан ва меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат, ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак...”.

Бехбудий каби юрт мустақиллиги ва миллат эрки ҳақидаги маърифатпарвар ўзбек зиёлилари орзулари рўёбга чиққан бугунги кунларимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги ва давлат-тимизнинг тил сиёсати ҳам ўзбек адабий тилини ривожлантиришга қаратилгани эътиборлидир. Маҳмудхўжа Бехбудий буюк миллат-парвар ва ватанпарвар сифатида ўзбек маърифатпарварларининг олдинги сафларида бўлиб, у ўз маслакдошлари сингари миллатнинг сиёсий онги ва тафаккурини ўстиришнинг асосий йўллари сифатида театрдан фойдаланиш, янги усулдаги мактаблар очиш ва улар учун дарсликлар яратиш, матбуотни йўлга қўйиш, кутубхоналар ташкил этиш ва шу орқали, адабий тил меъёрларини яратишдек энг муҳим ишларга улкан ҳисса қўшган, миллат эрки учун толмай курашган чин маърифатпарвар фидойилардан бири бўлганлигини асослайди. Уларнинг ҳаёт йўли, амалга оширган ишлари ҳамда ижод намуналари махсус тадқиқ қилиниши галдаги долзарб масалалар сирасига киради. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Қарши шаҳридаги фожеали вафоти, унинг орзу умидлари рўёбини тўхтата олмади. Улуғ мутафаккир ўз халқи ва эли билан бирга яшайди, унинг номи абадий. Буюк аجدодимизга ҳурмат изҳори сифатида Қарши шаҳри 1926-1937 йиллар давомида Бехбудий номи билан аталди. Маҳмудхўжа Бехбудий маърифатимиз, маънавияти-миз, таълимимиз, тарбиямизнинг, халқимизнинг ҳақиқий жонкуяри, у миллатимизнинг озод бўлишини, бир ғоя остида бирлашишини истаган, илмли ва зиёли бўлишини, бахтли ҳаёт кечиришини орзу қилган. Унинг Ватан озодлиги, халқ фаровонлиги йўлида қилган хайрли ишлари абадиятга дахлдор. Бугун янги Ўзбекистон аҳолиси айнан буюк аллома орзу қилган кунларда яшамоқда.

Бехбудийнинг юқорида тилга олинган илғор фикрлари ҳозирги кунда юртбошимизнинг замонавий кадрлар тайёрлаш сиёсатига ҳамоҳанг кўринади. У маориф соҳасида ишлайдиган кадрлар иқти-содий ва ижтимоий жиҳатдан кадрланишини алоҳида уқтирган. “Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар”, дея бонг урганлар. Бехбудийнинг

матбуотдаги мақолалари ва улар орасида тил масаласига оидларида қанчалик жонкуярлик билан ёндошганликлари эътиборга молик. Бир мисол. “Туркистон вилоятининг газети” таъқиқларга учраб, ёпилгандан сўнг, унинг ўзидан кейин пайдо бўлган миллий газеталарда маънавиятнинг турли йўналишларига доир долзарб мақолалар чоп этила бошлаган. Жумладан, “Турон”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, Оина”, “Садои Фарғона” ва бошқа газеталарда таниқли жаид ижодкорларнинг миллат маънавий камолотида муҳим ўрин тутган турли мақолалари эълон қилина бошлаган. Миллат маънавий етуклигининг кўринишларидан бири, албатта унинг тили масаласи эди.

Беҳбудий эрксеварлик, маърифатпарварлик, миллат озодлиги ғояларини тарқатган, аммо бу ишлари учун таъқиб остига олинган ва навқирон ёшда ҳаётдан кетган.

Беҳбудийни 1919 йил 25 мартада қатл этишди. Беҳбудий ҳақида, унинг жаидчиликдаги ўрни ва мартабаси тўғрисида кўп ва хўп ёзган Бегали Қосимовнинг бир китобида келтирилган Беҳбудийнинг қатл олдидан қилган васиятномасидан кичик парчани такрор бўлса-да, яна бир бор ўқувчига эслатиш жоиз бўлади, деб ўйладик:

“Биз ўз қисматимизни биламиз, аммо бечора халқимизга ўз ҳаётимизда нима қилишимиз мумкин бўлса, шуни қилганимизни ҳис этиш билан фахрланганимиздан ўлимни хотиржам кутмоқдамиз...агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз... Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек маориф ва халқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади”.

Беҳбудий адабиёт, тарих фанлари билан бирга сиёсатни ҳам ўрганган. Газета ва журналлар орқали дунёда содир бўлаётган янгиликлар билан танишиб борган. Макка, Миср ҳамда Стамбулга қилган саёҳатлари унинг дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборган. У газета ва журналлар билан ҳамкорликни ўрнатиб, ўз мақолаларини чоп эта бошлар, уларда мактаб ва санъатни яхшилаш масалаларини кўтарар эди.

Беҳбудий “Ойна” газетаси асосчиси, муҳаррир И.Гаспринский-нинг “Таржумон” газетасини доимий муаллифи бўлган. Маҳмуд-хўжа Беҳбудий 200 дан зиёд ўзбек ва тожик тилларидаги нашрлар муаллифи. Хусусан, “Мунтахаби жуғрофияи умумий” - “Кискача умумий жуғрофия” (1903), “Китоб-ул-атфол” - “Болалар учун китоб” (1904) ва бошқалар. Беҳбудийнинг ёзувчилик пойдевори нуқтаси 1911 йил Самарқандда ёзилган “Падаркуш” драмаси саналади. Унда ёш авлод маълумотли ва маданиятли бўлиши кераклиги келтирилган. Драма илк

бор 1912 йил “Турон” газетасида босиб чиқарилган, 1913 йилда эса алоҳида китоб кўринишида нашр этилган.

Бехбудийнинг сахна асари катта муваффақият қозонган ва Самарқанд, Бухоро ҳамда Тошкент шаҳарлари театрларида сахналаштирилган. Композицион нуқтаи назардан асар одимона кўринишида, ғоявий жуда мураккаб ва драма жанрининг барча талабларига жавоб бера олади. Ўзбек драматургиясининг биринчи қалдирғочи бўлиб, А. Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Мирмухсина-Фикриянинг “Фарзандсиз Очилдибой” ва Ҳамзанинг бир қатор асарларининг яратилишида туртки бўлди. Бехбудий 1919 йил Қаршига саёҳати даврида қўлга олинди ва Саид Олимхоннинг буйруғига биноан қатл этилди. Садриддин Айний алломанинг фожиали вафоти муносабати билан бундай ёзган: «Жафокаш шоир Бехбудийнинг номини мусулмон Шарқи ҳурмат билан тилга олади, чунки у 20 йил мобайнида ўзининг онги ва инсоний қадру қимматини билган барча мавжудотни эркин ҳаёт, нур ва маърифат учун курашга чорлаб келди». Қарши шаҳри 1920-1930 йилларда Бехбудий номи билан аталган. Бехбудий номи 1937 йилга келиб қатағон қилинади ва 1956 йилда оқланади. Ҳозирги кунда аллома қолдирган бой ва ранг-баранг адабий, маданий ва маърифий мерос ўз халқининг истиқлолига хизмат қилмоқда. 1977 йил Бехбудийнинг “Сайланма”си чоп этилди. Ушбу тўплам ўз ичига дарслик ва ўқув-қўлланмаларни олган, ҳозирги кунда кўчалар ва мактабларга унинг номи берилган. У 1899 йилда ҳажга бориб, у ердан муфтий унвонига эга бўлиб қайтган. Бехбудий ўзбек ва форс-тожик тилларида икки юздан ортиқ мақола ва асарлар яратган. Бехбудий ўзбек ва форс-тожик тилларида икки юздан ортиқ мақола ва асарлар яратган. Жумладан, «Мунтахаби жуғрофияи умумий» («Қисқача умумий жуғрофия» 1903), «Китоб-ул-атфол» («Болалар учун китоб», 1904), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи», 1904), «Амалиёти ислом» (1905), «Русиянинг қисқача жуғрофияси» (1908) каби дарслик ва китоблар ёзган. Унинг 1901 йилдан бошлаб «Туркистон вилояти газети», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Осиё», «Хуррият», «Турон», «Садои Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Меҳнаткашлар товуши», «Тирик сўз», «Таржумон», «Шўро», «Вақт», «Тоза ҳаёт», «Самарқанд», «Ойна» каби газета ва журналларда чоп этилган мақолалари эса тараққийларвар кишилар ва айниқса, ёшларнинг диққат-эътиборини қозонган. У айтиш чоғда янги усулдаги мактабларнинг асосчиси ва тарғиботчиси, янги дарсликларнинг илк муаллифи ҳам бўлди. Хуллас, Маҳмудхўжа Бехбудий буюк маъри-фатпарвар ва етакчи жаҳидчи сифатида миллий маданиятимиз тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган улкан сиймолардан.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Чориев А. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Биринчи китоб.- Т.: Чинор, 1998.- Б.151-152.
2. Холбоев С. Мунаввар қори.// Мулоқот, 1997, №1.- 24-25-бб.
3. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
4. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In Conference Zone (pp. 116-117).
5. Манзаров, Ю. (2017). ДЕМОКРАТИЧЕСКИЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО СОГЛАСИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (4), 28-30.
6. Манзаров, Ю. Х., & Джумаева, Ш. С. (2016). СОЦИОДИНАМИКА ДУХОВНОСТИ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЁЖИ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов, (1), 41-42.
7. Манзаров, Ю. Х. (2021). НАУКА В ВОСТОЧНОЙ ЭПОХЕ ВОЗРОЖДЕНИЯ. Проблемы науки, (2 (61)), 5-7.
8. Мамасалиев, М. М., & Бўриев, И. И. (2019). Информационная безопасность учащихся-одно из основных направлений деятельности педагога. In Фундаментальные основы инновационного развития науки и образования (pp. 188-190).
9. Mamasaliev, M. M., & Elboeva, S. B. (2019). RELIGIOUS-PHILOSOPHICAL DOCTRINES OF SARVEPALLI RADHAKRISHNAN. Theoretical & Applied Science, (11), 339-342.
10. Турובה, С. (2020). Талабаларнинг аргументатив компетентлигини ривожлантиришда бахс-мунозара методининг ахамияти. *Общество и инновации*, 1(1/s), 496-500.
11. Муртазова, С. Б., Старусев, А. В., Михолап, Л. А., Лобейко, В. И., Потюпкин, А. Ю., & Литвинов, С. П. (2020). Вопросы современной науки: коллект. науч.
12. Murtazova S. B. The Queens Are in the Hearts Forever! //Miasto Przyszłości. – 2022. – Т. 23. – С. 11-16.